ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2004-yil, 9-yanvar, 2 (591)-son

Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

● ***Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида "Ўзбекистонда сайёҳлик хизматини такомиллаштиришнинг иқтисодий дастаклари" мавзуида анжуман ўтказилди.***

● Ёш мусаввирлар ўртасида "Сув ва болалар" мавзуидаги танлов якунланди. Германиянинг "Орол болаларига ёрдам" ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган ушбу танловнинг мақсади ёш рассомларни рағбатлантириш ҳамда ватанпарварлик, она юрт табиатини асраб-авайлаш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

● ***Ўзбекистон Миллий университетида Халқаро толерантлик куни ва профессор Л.В.Гентшкенинг 90 йиллигига бағишланган "Бағрикенглик — жамият барқарорлигининг асоси" мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлди.***

● Республика ўқувчилар саройида 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ёш ракетамоделчилар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мазкур саройнинг ёш ракетасозлар тўгараги аъзолари, халқаро аэрокосмик мактаб ва спорт-техника клублари вакиллари қатнашишди.

● ***Венадаги "Бригиттенау" концерт залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рашид Холиқов раҳбарлигидаги "Шаҳзод" гуруҳининг концерти бўлиб ўтди. Концерт бухоро яҳудийларининг мазкур мамлакатдаги жамиятининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.***

● Ҳиндистонда бўлиб ўтган "Марказий Осиё халқлари фолклор санъати" Халқаро фестивалида республикамизнинг вакиллари ҳам иштирок этишди.

### 14 YANVAR – VATAN HIMOYACHILARI KUNI

# ҲАРБИЙ СОҲАДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

***Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ва қудратли армияни шакллантиришнинг янги тизими яратилди. Миллий армиямиз сафини профессионал кадрлар билан тўлдириш мақсадида жадал суръатларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буни Тошкент ахборот технологиялари университетининг офицер кадрлар тайёрловчи Махсус факултети фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.***

**Мамлакатимиз** мустақилликка эришгач, қисқа вақт ичида малакали алоқачи офицерлар тайёрлаш ва армиямизнинг бундай кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш кечиктириб бўлмас вазифага айланди. Уни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил, 12 февралдаги Фармонига асосан Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги ТАТУ ) таркибида Махсус факултет ташкил этилди. Ўтган 11 йил мобайнида бу факултет Қуролли Кучларимизга кўплаб офицерлар тайёрлаб берди. Айни дамда факултет битирувчилари нафақат Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ва Чегара қўшинлари, Ҳукумат алоқаси ва Миллий хавфсизлик хизмати бўлинмаларида ҳам хизмат қилишмоқда. Улардан факултет раҳбарияти номига келаётган миннатдорчилик мактубларидан факултетда офицерлар тайёрлаш савияси йилдан-йилга ўсиб бораётганини ва улар ўз билимлари билан асл ватанпарварларни тарбиялашаётганларини билиб олиш мумкин.




Махсус факултетда ўқиш муддати беш йил бўлиб, унинг Низомига биноан, биринчи ва иккинчи курс талабалари бошқа олий ўқув юртларидагидек оддий талаба ҳисобланадилар ва стипендия ҳамда ётоқхона билан таъминланадилар. Иккинчи курсни муваффақиятли тугатган, соғлиги ҳарбий хизматга лойиқ талабалар учинчи курсдан Махсус факултетнинг курсанти мақомига эришиб, Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар ва тўлиқ давлат таъминотида бўладилар. Айни дамда факултетнинг саккизта ҳарбий кафедрасида етти мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Курсант ва талабаларга умумтаълим ва гуманитар фанлардан ТАТУ профессор-ўқитувчилари университет ўқув-моддий базасидан фойдаланган ҳолда таълим берсалар, замонавий ҳарбий билимлар ва ҳарбий-техника сир-асрорларини факултет бошлиғи полковник Б.Раҳиммирзаев бошчилигидаги катта тажрибага эга бўлган ҳарбий офицер-ўқитувчилар ўргатиб боришмоқда. Факултетнинг ўндан ортиқ офицер-ўқитувчилари илмий унвон ва даражага эгадирлар. Улар талабалар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уларни она-Ватанга садоқат ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга умумҳарбий, тактик, ҳарбий техника ва ҳарбий-махсус фанлар бўйича ўқув юкламаларини олиб борадилар ҳамда дала-машқ ва махсус дарсларни, Давлат ва кириш имтиҳонларини ташкил этиб, ҳарбий ишлаб чиқариш амалиётларига раҳбарлик қиладилар.

Истиқлол туфайли дунёга келган Махсус факултет изчил ривожланди ва ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаб борди. Бундан бир неча йил аввал факултет янги, тўлиқ таъмирдан чиқарилган бинога кўчиб ўтди ва энг замонавий ўқув қуроллари ва асбоб-ускуналари ўрнатиш имконига эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш йўлларини очиб берди. Истиқболда факултет ҳудудини кенгайтириш, янги бинолар қуриш, ўқув марказини жиҳозлаш режалари кўзда тутилган. Булар, албатта, ўргатилаётган фанлар йўналишини кўпайтириш, мутахассисликлар сонини ва бўлажак офицерлар тайёргарлиги сифатини ошириш имконини беради.

Факултет шахсий таркиби ва ТАТУ профессор-ўқитувчилари Қуролли Кучларимизга юқори малакали офицер-кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида тинмай изланмоқда. Ҳозирги кунда факултетнинг ўқув-моддий базаси замонавий техникалар ва Интернет тизимига боғлана оладиган компютер синфлари билан жиҳозланди. Ўқув жараёнига янги дастурлар ва режалар киритилмоқда. Жумладан, 2002 ўқув йилидан бошлаб давлат таълим стандартларига мос бўлган «Ҳарбий бакалаврлар» тайёрлаш ўқув дастури ишлаб чиқилди ва шу йўналиш бўйича талабалар қабул қилинди.

Сир эмас, бугунги кунда барча соҳаларда бўлганидек, ҳарбий йўналиш бўйича ҳам ҳар томонлама етук мутахассис бўлиш учун хорижий тилларни билиш керак. Буни тўғри тушуниб етган факултет раҳбарияти курсантларга барча имкониятларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқда. Яқинда курсантларга инглиз тилини мукаммал ўргатиш мақсадида факултет махсус ўқув адабиётлари, аудио ва видеокассеталар билан таъминланди.

Маълумки, ўтган йилдан миллий армиямиз Американинг "Харрис" компаниясида ишлаб чиқарилган радиостанциялар билан таъминлана бошланди. Ҳарбийларга ушбу радиостанцияларни бошқаришни ўргатиш маркази эса бевосита Махсус факултетда очилди. Марказда унинг бошлиғи подполковник Х.Юсупов, ўқитувчилардан подполковник А.Тўлаганов ва катта лейтенант Т.Абдуллаевлар тингловчиларга бор тажрибаларини ишга солиб сабоқ бермоқдалар. Ҳозиргача бу ерда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 170 нафардан ортиқ алоқачи-офицерлари ўз малакаларини ошириб, сертификатга эга бўлдилар. Бу ҳам Махсус факултет ҳарбий соҳада мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётганининг исботидир.

Хуллас, мамлакатимизда ягона бўлган мазкур Махсус факултет жамоаси юқоридаги ютуқлардан руҳланган ҳолда жорий йилда ҳам Ватанимизга ҳар томонлама етук ва баркамол офицер кадрларни етказиб беришга бел боғлаган. Биз уларнинг бу шарафли ҳамда масъулиятли ишларида зафарлар тилаган ҳолда яқинлашиб келаётган 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Xabar"нинг махсус мухбири**

# ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА

***Дунёдаги сиёсий вазият, мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар орасида тутган ўрни ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида янада кенгроқ ва чуқурроқ тайёрлаш лозимлигини кўрсатмоқда.***

**Тошкент ахборот технологиялари университетида** бу йўналишда самарали ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, талабаларнинг Ватанга ва атрофидагиларга бўлган муносабати ҳамда дунёқарашини шакллантиришда университет қошидаги Махсус факултет ва Ҳарбий кафедранинг тутган ўрни беқиёсдир.

Ҳарбий кафедра талабалари "ҳарбий кун" услубида тайёргарлик олиб борадилар. Давлат мадҳияси ижро этилиши билан бошланадиган машғулотлар уларга кун давомида маънавий руҳ бағишлаб туради. Талабалар замонавий қурол-яроғлар ва алоқа техникасини ўрганиш билан бир қаторда ҳарбий интизом, ички хизмат, талаб ва буйруқларга бўйсуниш, сафда юриш малакаларини ошириб борадилар. Бунда бўлажак захирадаги офицерларга малакали мураббий офицерлар ёрдам бериб келмоқдалар. Уларнинг аксарияти илмий унвон ва даражаларга, узоқ йиллик ҳарбий ва педагогик тажрибага эга.

Ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги ишлар ҳарбий қисмларда бўлиб ўтадиган сўнгги дала-ўқув йиғинларида авжига чиқади. Ҳарбий ҳаёт билан яқиндан танишиш ва қасамёд қабул қилиш талабаларга янада каттароқ масъулият юклайди.

Ҳозирги кунда ТАТУ битирувчиларининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги сафида хизмат қилаётганликлари университетда ҳарбий йўналишдаги ишлар тўғри олиб борилаётганлигидан далолат беради.

**А.АБДУЖАМИЛОВ,**
**ТАТУ Ҳарбий кафедраси мудири,**
**подполковник**

# ЯНГИ ҚУРИЛМАЛАР ЎРНАТИЛГАЧ...

***Сурхондарё вилоят радиотелевидение узатиш маркази жамоаси 2003 йилни муваффақиятли якунладилар. Жорий йилда эса элга хизмат кўрсатишда туб ўзгаришлар қилиш кўзда тутилмоқда. Марказ раҳбари Мамадамин ҚУРБОНОВ билан суҳбатимиз ана шу якун ва режалар ҳақида бўлди.***

**— Маълумки, вилоятда телетомошабин ва радиотингловчилар кўпчиликни ташкил этади. Сиз раҳбарлик қилаётган жамоа улар билдирган ишончни оқлай олишяптими?**

— Ҳозир вилоятимизда тўртта станция ишлаб турибди. Бу иншоотлар Учқизил, Термиз, Жарқўрғон ва Вахшиворда жойлашган. Зиммамизга юкланган вазифа айтганингиздек ғоят масъулиятли — тўқсон кишилик жамоамизга одамлар катта ишонч билдиришган.

Ҳаво мавжлари орқали анча узоқ масофадан келаётган теледастурлар ва радиоэшиттиришларни мухлисларга бенуқсон етказиш осон иш эмас. Уни ўз вақтида қабул қилиб тарқатиш учун тажрибали муҳандис-техник ходимларимиз туну кун тиним билишмайди. Шу туфайли радиотелевидение узатиш жараёнларида техник нуқсонлар деярли кузатилмаяпти. Бунда Тангирбой Назаров, Олтибой Пардаев, Шавкат Саидов, Абдурасул Анваров каби ходимларимизнинг хизмати катта бўлмоқда.

**— Илгари собиқ Иттифоқнинг Марказий ва Тошкент телевидениеси кўрсатувлари ҳамда радиоэшиттиришлари узатиларди, холос. Бугун эса...**

— Гапингиз тўғри, мустақиллик туфайли маҳаллий телевидение ҳамда радиоканаллар сони кўпайди. Айни пайтда Сурхондарё телерадиокомпанияси, "Ишонч" жамоатчилик телевидениелари биз билан шартнома тузган. Бу ижодий жамоаларнинг теледастурлари белгиланган вақтда ўз томошабинлари ҳукмига ҳавола этилмоқда. Томонлараро шартнома мажбуриятларини бажариш борасида муаммолар йўқ.

Бир йил бўлдики, вилоят радиотелевидение узатиш маркази тасарруфида "Сурхон садоси", ўтган йилнинг ноябр ойидан эса Сурхондарё телерадиокомпанияси қошида "Янги аср" радиоканаллари фаолият кўрсатиб келмоқда.

**— "Xabar" газетаси бундан икки йил олдин Сурхондарё вилоят радиотелевидение узатиш марказининг Учқизил станциясида баъзи қурилмаларни алмаштириш вақти етганлиги ҳақида ташвиш билдирган эди. Хўш, танқиддан сўнг қандай ўзгаришлар рўй берди?**

— Ўз кучимиз ва ихтиро йўли билан ҳозирча 100 ваттли кучайтиргичларни транзистор кучайтиргичларга алмаштирдик. Айни дамда Япониянинг JBIC банки ажратган маблағ эвазига Вахшивор ва Учқизил станцияларини янги қурилмалар билан жиҳозлашни режалаштирганмиз. Ишонамизки, бу ислоҳотдан сўнг фаолиятимиз янада яхшиланади.

**— Эзгу ниятларингиз ушалишига тилакдошмиз.**

— Раҳмат.

**Н.ЗИЁЕВ**
**Сурхондарё вилояти**

ALOQA SOHASI FIDOYILARI

# ЭЪЗОЗЛАРГА ШУКРОНА АЙТИБ...

***Ширинной опа Риштон туманининг марказий почтасига ишга кирган дастлабки дамларини аллақандай орзиқиш билан эслайди. Унда ҳали жуда ёш, энди мактабни тугатган эди. Ҳаёт унга бетакрор ва ажойиб истиқболни ваъда этарди. Негаки, вужудида битмас-туганмас куч-қудрат сезар, қалбини бир-биридан гўзал, эзгу орзулар тўлдирганди. У ҳар сафар уйдан беғубор ниятлар билан чиқар ва одамлардан ширин сўзини аямас эди.***

**Почтадаги** телефончи қиз... Уни шундай аташарди. Ўша дамларда телекоммуникация соҳаси унинг учун тубсиз илмлар конидек туюлиб, қачон жамики сир-синоатларини ўрганиб улгураман, дея юрагини ваҳима босарди. Муваффақиятсизликлардан изтиробга тушиб, ғалабалардан қувонганини кўрган атрофидагилар унга йўл-йўриқ кўрсатишди. Дастлаб иш ўргатган Алёшев деган киши жуда вазмин, камгап одам эди. "Наушник"ни қулоқларига тутиб, ҳайратдан қотганда, ўша одам кулибгина: "Тўғри, бу мўъжиза. Чиндан ҳам ҳайрон қолса бўлади. Аммо мўъжизанинг энг ҳайратлиси ҳали олдинда", деб қўярди. Устози ҳақ гапни айтган экан. Шунга ҳам ўттиз йил бўлай деб қолибди. Кейинчалик алоқа соҳасида юз берган янгиликларни, инсон тафаккури меваларини санаб адоғига етолмайди. Ҳали келажакда инсониятни яна қандай фавқулодда кашфиётлар кутиб турганикин...

Ширинной опа ана шулар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб берар экан, беихтиёр хўрсиниб қўйди.

— Нима бўлганда ҳам, — дейди опа юзига ним табассум югуриб. — Ўзимга ўзим ўрнатган қоидалару телекоммуникация талабларига қатъий амал қилиб яшадим. Шунинг учун ҳам адашмадим. Қилган ишларим доимо эътироф этиб келинди. Сидқидилдан қилган меҳнатларим туфайли қадр-қимматим ошиб борганини ҳамиша ҳис этиб келмоқдаман. Аллоҳга беадад шукр — ўтган йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Фахрий ёрлиғи"га сазовор бўлдим. Бу нафақат менга, балки жамоамга ҳам берилган мукофотдир.

Ширинной Ўринбоева бир неча йилдирки туман марказий почтасида мижозлар бўлими бошлиғи вазифасини шараф билан адо этиб келмоқда. Бўлимда ўзига хос дўстона ишчанлик муҳити ҳукмрон.

Қабул маскани ва мижозлар залининг дид билан безатилгани диққатни тортмасдан қолмайди. Мижозлар зарур маълумотларни олишлари учун барча шароитлар яратилган. Телефон алоқасидан имтиёзли фойдаланувчилар рўйхати, маҳаллий алоқадан фойдаланиш қоидалари, алоқа хизматлари тарифи, ички хизмат тартиби, таклиф ва тавсиялар дафтари ва ҳоказолар бежирим қилиб ёзиб қўйилган. Бу ишларда ҳам Ширинной опанинг улуши бор. Опа ҳар ойда 9 млн. сўмлик даромад режасини бажаришда, дебиторлик қарзларни ундиришда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Комил Эгамбердиев, Зулхумор Тожибоева, Муборак Аҳмаджонова каби шогирдлари ҳақида опа оғзидан бол томиб гапиради. Ҳаммаси очиқ чеҳра, ширинзабон, энг муҳими, ўз касбини севади.

Опанинг ҳаётий тажрибаси боғлама ишларини илгари суришда, алоқа соҳасидаги қийинчилик ва муаммоларни бартараф этишда жуда қўл келмоқда.

**Ҳ.САЛЯҲОВА**
**Фарғона вилояти**

# ЭЛГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

**"Ўсарнинг** отасига раҳмат, касбидан барака топсин, умри узоқ бўлсин!" Бир неча қариялар кимнидир алқаётгани диққатимни тортди. Гап нимада эканлигини билиш мақсадида уларнинг бири билан суҳбатлашдим.

— "Чорвадор" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эшим Эшонқуловман, — дея ўзини таништирди кўринишидан зиёлинамо киши. — Нафақага чиққан бўлсам ҳам ишлаяпман. Ўсар Файзуллаев деган почтачимиз бор. Газета ва журналларни вақтида олиб келади. Мақтовлар бежиз эмас.

Чироқчи филиали "Чорвадор" почта алоқа бўлими почтачиси Ўсар Файзуллаевнинг ушбу соҳада фаолият бошлаганига анча бўлиб қолди. Ўтган йиллар мобайнида мижозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб, улар олқишини олиш бахтига эришди.

— Бўлимимиз 13та қишлоқ аҳолисига хизмат қилади, — дейди алоқа бўлими бошлиғи Абдиравшан Каримов. — Почта соҳасида ишлаб анча тажриба орттирган Йўлдош Рустамов, Ўсар Файзуллаев, Раҳмат Эшмоновлар хизматидан эл мамнун.

Ўсар Файзуллаев бешта қишлоққа хизмат кўрсатади. Берилган топшириқларни виждонан адо этиши билан ҳамкасблари орасида ажралиб турган бу ходимимиз обуна мавсумида ҳам тиним билмади. Қишлоқ одамлари билан мулоқотда бўлиб, уларни ўзларининг севимли нашрларига обуна қилишда жонбозлик кўрсатди. Айниқса, ёшлар орасида матбуотнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб борди.

Дарҳақиқат, Ў.Файзуллаев алоқа бўлимига келган хат-хабарлар ва газета-журналларни ўз вақтида етказиш учун елиб-югуради. Ҳар бирининг оралиғи 25-30 чақиримни ташкил этадиган тарқоқ қишлоқларга баъзида мотоциклда, баъзан отда қиш қировли ёки ёзнинг жазирама кунларига қарамай одамларга хизмат қилади. Элга қувонч улашади, нур, зиё таркатади. Шундай кишилар доим бор бўлсин!

**Б. МУРОДОВ**
**Қашқадарё вилояти**

# ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

***Бухоро вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилди. Унда бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ва раёсатининг аъзолари, туманлардаги бошланғич ва цех касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари иштирок этдилар.***

**Йиғилишда** "Алоқа корхоналарида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши ва ҳуқуқий маданиятни ошириш тўғрисида"ги бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг раиси У.Фахриддинованинг маърузаси тингланди. Маърузада таъкидланишича, тармоқ корхоналаридаги туман ва бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари тегишли ҳуқуқий адабиётлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган. Вилоят "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази масъул ходимлари томонидан вақти-вақти билан ҳуқуқий мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ташкил этиб турилибди. Жойларда меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатилган бўлиб, бошланғич ва цех касаба уюшмаси қўмиталарига ўз вақтида амалий ёрдам бериб борилмоқда. Жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳам алоқа корхоналарида ҳар 6 ойда муҳокама этиб турилади. Аммо, баъзи бир корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунига риоя қилган ҳолда иш олиб бориш талаб даражасида эмас. Бу борадаги назорат ишлари ҳам сусайган.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан "Бухоро Телеком" филиали, "Бухоро почтаси" акциядорлик жамияти, ТУСМ-Б бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари Ш.Омонова, М.Абдуллаева, У.Турғунов, шунингдек, Ромитан, Шофиркон, Когон туманлари телекоммуникациялар боғламалари бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари С.Асадов, М.Ҳамидов, И.Рамазонова ва бошқалар ўз меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш ва касаба уюшмаси фаолиятида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга айрим муаммолар борлигини ҳам таъкидладилар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан ишлаб чиқилган Дастурни ҳам муҳокама қилиб, унга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хусусида келишиб олдилар. Шу билан бирга соҳа корхоналарида касаба уюшмаси тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу йўналишдаги асосий масалалардан бири — қуйи касаба уюшмаси гуруҳларида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш юзасидан ҳам таклифлар билдирилди.

Шунингдек, йиғилишда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг кейинги бир йилда амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботи тингланиб, 2004 йил учун иш режаси маъқулланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИГА УЛАНДИ

**Бухоро вилоятининг** Олот тумани марказида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари ва ўқувчи ёшлари учун 2003 йил омадли келди. Йил охирига бориб бу ердаги компютер синфлари Интернет тармоғига уланди.

Ушбу билим даргоҳида таълим олаётган бир гуруҳ йигит-қизлар шу кунларда бу халқаро ахборот тармоғига Олот туманига оид сайт киритиш бўйича тинимсиз изланмоқдалар. Улар касб-ҳунар коллежида компютер технологиялари мутахассислиги бўйича билим олишяпти.

# ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ

**Бухоро вилояти** радиотелевидение узатиш маркази хорижда ишлаб чиқарилган янги асбоб-ускуналар билан тобора бойиб бормоқда. Янги йил арафасида бу ерда Япониянинг "НЕК" компаниясида тайёрланган телевизион тўлқин узатгичларни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Хорижлик мутахассислар билан иш олиб боришда марказ муҳандисларидан уч нафарининг Японияда, бир нафарининг эса АҚШда малака ошириб қайтгани қўл келди. Эндиликда бухоролик алоқачилар ўз ҳамкасблари билан бирга радиотелевидение узатиш марказида замонавий радиоузатгичларни ҳам ўрнатадиган бўлдилар.

Истиқболли бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон ва Япония биргаликда тузган лойиҳа асосида тўлиқ амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, бу ишлар келгусида телекўрсатувларни узатиш сифатини янада яхшилаш ва телетомошабинлар талаб-эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Япония томони республикамизнинг бир қатор вилоятларида ана шундай асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун жами 13,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган.

**А.ИСТАМОВ**
**Бухоро вилояти**

В ГОСУДАРСТВЕННОЙ ИНСПЕКЦИИ СВЯЗИ

# ПРИМИ МЕРЫ – И НЕТ ЖАЛОБЫ!

***Жалоба является индикатором деятельности хозяйствующих субъектов по качественному предоставлению услуг потребителям.***

***Как только качество предоставляемых услуг перестает отвечать требованиям установленных норм, государственных и отраслевых стандартов, вызывает неудовлетворённость потребителя – тут же появляется жалоба.***

**Другим фактором** появления жалобы является халатное отношение на местах к обращениям граждан. И как следствие, потребители обращаются в вышестоящие организации.

Так, в Государственную инспекцию связи за 9 месяцев 2003 года поступило 471 обращение, в том числе 213 жалоб, причем 197 из них возникло по вине предприятий, предоставляющих услуги местной телефонной связи, что составляет 92,5%.

Жалобы на работу местной телефонной связи распределяются следующим образом:

- 89 жалоб или 45,1% — из-за несвоевременного устранения повреждений кабеля;
- 5 жалоб или 2,5% — из-за несвоевременного восстановления кабеля в результате хищений на линейных сооружениях ГТС;
- 90 жалоб или 45,8% — из-за плохого качества связи по причине несоответствия техническим нормам параметров линейных и станционных сооружений;
- 13 жалоб или 6,6% — по причине отключения телефонов без предупреждения, несогласия с оплатой междугородных разговоров и др.

Жалобы от граждан, направляемые Государственной инспекцией связи на рассмотрение руководству предприятий, в частности АООТ "ТШТТ", зачастую рассматриваются поверхностно, нет конкретных ответов на поставленные абонентами вопросы, вследствие чего приходится возвращать жалобу на дополнительное рассмотрение. К ним можно отнести, например, жалобы М.Шагалиева, телефон 49-25-26, Л.Чехомовой (24-60-96), М.Руденко (148-05-14), Н.Катыковой (48-21-41).

Данное обстоятельство свидетельствует о том, что работа с обращениями граждан на отдельных предприятиях связи поставлена не на должный уровень. Из рассмотренных жалоб за 9 месяцев 2003 года предприятиями признаны возникшими по их вине только 4%, в то время как тот же показатель по Государственной инспекцией связи составляет 45,2%.

В сотовых компаниях подход к рассмотрению жалоб в корне отличается от порядка их рассмотрения операторами местной телефонной сети. Так, оператор сотовой компании стремится выяснить причину возникновения жалобы, предотвратить в дальнейшем появление новой, более полно удовлетворить требования недовольного клиента. Оператора же местной телефонной сети, напротив, волнует, похоже, только одна проблема – будет ли возникшая жалоба отражена в статистической отчетности по вине предприятия или нет. По этой причине не наблюдается улучшения качества предоставляемых услуг. На основании же актов, подписанных потребителем, рассмотренные жалобы попадают в разряд возникших не по вине предприятия, и получается парадокс – потребитель жаловался на самого себя.

Какова же причина такого подхода к рассмотрению жалоб? Первая – это наличие конкуренции среди операторов сотовых компаний, в то же время оператор местной телефонной сети является монополистом по предоставлению своих услуг и абоненты, лишенные альтернативы, вынуждены ими пользоваться.

Вторая причина — это штрафные санкции, начисляемые на каждую жалобу, возникшую по вине хозяйствующего субъекта.

Анализ рассмотренных жалоб показывает, что большинство из них это резултать элементарного невнимания к нуждам абонентов, проявление грубости, неправильного информирования о порядке предоставления услуг.

Концентрация усилий хозяйствующих субъектов должна быть сосредоточена именно в этом направлении, то есть необходимы реальные профилактические меры, что в конечном счете позволит улучшить качество работы и в то же время приведет к уменьшению суммы штрафных санкций.

**Н.САПРОНОВА,**
**ведущий инженер отдела санкций**
**и работы с жалобами ГИС**

## ПОЗДРАВЛЯЕМ!

Коллективы ТУИТ и кафедры "ТиПСДО" от всей души поздравляют юриста-консультанта университета и преподавателя кафедры **Розу Рафкатовну БИКМАМАТОВУ** с полувековым юбилеем и желают ей крепкого здоровья, огромного семейного счастья и дальнейших творческих успехов в работе.

# ЗАО "O`ZIMPEKSALOQA"

## сообщает:

об изменениях и дополнениях, вносимых в текст проспекта эмиссии акций **ЗАО "O`ZIMPEKSALOQA"**, зарегистрированный управлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг по городу Ташкенту за №Q-2 от 5 января 2004 года.

**Текст вносимых изменений и дополнений в проспект эмиссии акций АО "O`ZIMPEKSALOQA" №Q0186 от 29.01.1998 г.**

| Старая редакция | Новая редакция |
|---|---|
| **Раздел I<br>Пункт 1** | |
| Полное наименование: Акционерное общество открытого типа «O'ZIMPEKSALOQA»<br>Сокращенное: АООТ «O'ZIMPEKSALOQA» | Полное наименование: Закрытое акционерное общество «O'ZIMPEKSALOQA»<br>Сокращенное: ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» |
| **Пункт 3** | |
| Номер и дата государственной регистрации эмитента: Решение хокимията Юнусабадского района №92-К, «21» января 1998 г | Номер и дата государственной регистрации эмитента: Решение Инспекции по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента №231, «22» декабря 2003 г |
| **Пункт 4** | |
| Организационно-правовая форма: Акционерное общество открытого типа | Организационно-правовая форма: Закрытое акционерное общество |
| **Пункт 5** | |
| Полное наименование и юридический адрес объединения (ассоциации, концерна, корпорации и т д), в состав которого входит эмитент: Узбекское агентство почты и коммуникаций Министерства связи Республики Узбекистан | Полное наименование и юридический адрес объединения (ассоциации, концерна, корпорации и т.д.), в состав которого входит эмитент: Узбекское агентство связи и информатизации Республики Узбекистан, ул А. Толстого, 1 |
| **Пункт 6** | |
| Номера расчетного (текущего) и иных счетов эмитента:<br>Р/с: 20210000800430553001 в Мирзо-Улугбекском отд. Национального банка ВЭД Руз, МФО 00895 | Номера расчетного (текущего) и иных счетов эмитента:<br>Р/с: 20210000300600120001 в Мирзо-Улугбекском отд. Национального банка ВЭД РУз, МФО 00895 |
| **Раздел II<br>Пункт 2** | |
| Простые именные акции, приобретаемые членами трудового коллектива<br>А) Доля акций 5,2%<br>Б) Сумма акций 1534000 сум<br>В) Количество акций 1534 штуки | Исключить |
| **Пункт 3** | |
| Простые именные акции, держателем которых является Госкомимущество<br>А) Доля акций 76,44%<br>Б) Сумма акций 22437000 сум<br>В) Количество акций 22437 штук | Простые именные акции, держателем которых является Госкомимущество<br>А) Доля акций 51,00%<br>Б) Сумма акций 14981000 сум<br>В) Количество акций 14981 штука |
| **Пункт 4** | |
| Простые именные акции, подлежащие реализации на свободной продаже<br>А) Доля акций 18,36%<br>Б) Сумма акций 5383000 сум<br>В) Количество акций 5383 штук | Простые именные акции, подлежащие размещению среди юридических и физических лиц<br>А) Доля акций 49,00%<br>Б) Сумма акций 14373000 сум<br>В) Количество акций 14373 штук |
| **Пункт 5** | |
| Простые именные акции, подлежащие продаже иностранным инвесторам<br>А) Доля акций 25,0%<br>Б) Сумма акций 7338000 сум<br>В) Количество акций 7338 штук | Исключить |

Сообщение о существенном факте **ЗАО "O`ZIMPEKSALOQA"**

Изменение в персональном составе должностных лиц

Порядковый номер сообщения- 10

Орган управления эмитета, в котором произошли изменения, — уволился по собственному желанию заместитель генерального директора **Ризаев Шакир Шукурович**, доля участия в уставном фонде эмитета – 0,08%.

Дата, в котором произошли изменения, — 21.11.2003г.

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

# МОБИЛЬНИК В ВИДЕ ПЕРЬЕВОЙ РУЧКИ

**Британская** компания Primus объявила о начале продаж новых мобильных телефонов – моделей Haier Pen Phone и PTL 650 Blue. В первую очередь в глаза бросается не совсем обычный дизайн Haier Pen Phone: аппарат очень сильно вытянут в длину и поэтому несколько похож на перьевую ручку (отсюда, собственно, и название). Кстати, этот мобильник, помимо средства связи, может использоваться еще и в качестве цифрового диктофона с памятью на 15 минут, а также лазерной указки. Нельзя не упомянуть и весьма скромную массу трубки - всего 66 граммов при габаритах 135 x 28 x 18 мм.

**Источник: http://www.3g.co.uk**

# НОВОГОДНИЙ ПОДАРОК

**Жители** Юнусабадского района г. Ташкента, желающие установить телефон, получили Новогодний подарок. Филиал АК "Узбектелеком" "Тошкент шахар телефон тармоги" с 1 января 2004 года ввел в эксплуатацию выносную ЭАТС на 1000 номеров в здании АТС-22/23 с номерной емкостью 1238000 –1238911.

Теперь еще тысяча абонентов могут пользоваться всеми современными услугами телекоммуникаций.

**Наш корр.**

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ ЗАРУР

***Алоқа тизимининг барқарор, узлуксиз ва сифатли ишлаши барча алоқа ходимларининг ўз касбига фидойилиги ва масъулиятлилигига боғлиқдир.***

***Жавобгарликни ҳис қилган ходимлар Давлат алоқа инспекцияси тақдим этган кўрсатмаларда белгиланган камчиликларни бартараф этишга эътибор қаратиб, истеъмолчиларга сифатли алоқа хизматлари кўрсатилишини таъминлаш учун ҳаракат қилишмоқда. Лекин беш қўл баробар бўлмаганидек, Давлат алоқа инспекцияси томонидан "Ўзбектелеком" АК тасарруфидаги филиал ва боғламаларда ўтказилган текширишлар, ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга сифатли телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш мақсадида тақдим этилган кўрсатмаларнинг бажарилиши таҳлил қилинганида қуйидагилар маълум бўлди.***

**2002 йил давомида** "Қорақалпоқ Телеком" филиалининг Шуманай (Ж.Мирзамуродов), Кегейли (И.Қўнғиротбоев), "Сурхондарё Телеком" филиалининг Шўрчи (О.Менгниёзов), Денов (Б.Шоймардонов) телекоммуникациялар боғламаларига ўлчов асбобларини метрология кўригидан ўтказиш ишлари, "Андижон Телеком" филиалининг Бўз (А.Мамадалиев), "Фарғона Телеком" филиалининг Бувайда (А.Камолов), Ёзёвон (О.Исоқов), Фарғона шаҳри (Н.Жўраев), "Сурхондарё Телеком" филиалининг Қумқўрғон (Т.Эшматов) телекоммуникациялар боғламаларида эса аккумулятор батареяларини таъмирлаш ишлари шу кунга қадар бажарилмаган. Шунингдек, "Бухоро Телеком" филиалининг Қоровулбозор (А.Ортиқов) телекоммуникациялар боғламасида "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги қишлоқ телефон станциясини марказий АТС билан боғлаш линиясини ташкил қилиш ва монтаж сиғимини ишлатиш, "Қашқадарё Телеком" филиалининг Касби (И.Ражапов) телекоммуникациялар боғламасида марказий АТС биносидан чиққан 1 км. масофадаги катта сиғимли кабелларни алоқа канализациясига ётқизиш, "Жиззах Телеком" филиалининг Ғаллаорол (Ж.Бекмирзаев) телекоммуникациялар боғламасида эса Кўкбулоқдаги 100 рақамли қишлоқ АТСни таъмирлаб ишга тушириш ишлари амалга оширилмаган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида"ги Қарори ва лицензия шартларининг бажарилиши таъминланмаган.

Давлат алоқа инспекциясининг юқорида келтириб ўтилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан йўллаган хатига "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг жавоби олинди. Унда ушбу камчиликларни бартараф этишда иқтисодий имконият етарли бўлмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилиб, уни ҳал этиш масаласи 2004 йил бизнес режасига киритилганлиги таъкидлаб ўтилган.

Излаган имкон топади деганларидек, юқорида номлари зикр этилган корхона раҳбарлари камчиликларни бартараф этишда баҳона қидирмасдан хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашган ҳолда алоқа соҳасидаги янгиликлардан ишда самарали фойдаланишни йўлга қўйишлари лозим.

Тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилаётган ҳозирги вақтда "Наманган Телеком" филиалининг бир гуруҳ алоқачилари томонидан АТС ва автомобиллар учун аккумулятор батареяларини қайта тиклаш ҳамда таъмирлаш бўйича амалга ошираётган ишлари каби ташаббуслар билан танишиш иқтисодий муаммоларни бартараф этишда муҳим ўрин тутиши мумкин. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида тузатиш чораларини кўриш ва ижро интизомига риоя этилишини кучайтириш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

**Ш.ТОЙИРОВ,**
**ДАИ телекоммуникациялар бўлими етакчи муҳандиси**

ALOQA OLAMIDA

## АЛОҚА ЙЎЛДОШИ ФАЗОГА ЧИҚАРИЛДИ



**2003 йилнинг 29 декабр куни** ўз бортига "Экспресс-АМ 22" янги авлод алоқа йўлдошини ортган Россиянинг "Протон" ракета элтувчиси Бойқўнғир космодромидан фазога кўтарилди. Бу аппарат геостационар орбитада ишлайди. "Новости" РААнинг хабар беришича, у рақамли телерадиоузатиш, йўлдошли телефония, Интернетга кенг йўналишли кириш, VSAT- тармоқларини ривожлантириш, муассасавий ва корпоратив тармоқларни яратиш, масофавий таълимот ва телемедицина сингари мултимедиа хизматларини бажаради.

Йўлдош Франциянинг Alcatel Space компанияси билан ҳамкорликда Железногорск шаҳрида тайёрланди. Ушбу космик аппарат энг замонавий антенна тизимлари билан таъминланган бўлиб, унинг эксплуатация муддати 12 йилга мўлжалланган.

## ГИБРИД АВТОМОБИЛ



**Австралияда** водород ҳамда қуёшдан олинадиган энергия ҳисобига ҳаракатланадиган ғаройиб транспорт воситаси синовдан ўтказилди. Экологик жиҳатдан тоза "Аполлондин" (қадимги юнон Қуёш ва сув худолари шарафига шундай номланган) автомобили Япониянинг Тамагава университети талабалари томонидан ишлаб чиқилган.

"Аполлондин" Перт шаҳридан чиқиб, тўққиз кун ичида тўрт минг километрдан зиёд масофани босиб ўтди ва Сидней шаҳрига етиб келди. Автомобил яратувчиларининг айтишларича, асосий мақсад тезлик борасида рекорд ўрнатиш эмас: бу йўлни икки баравар кам муддатда ҳам босиб ўтиш мумкин. Машина кечаси водородда, кундузи эса қуёш энергияси ҳисобига ҳаракатланади.

Бу ерда гап "Аполлондин"га ўхшаш автомобилларни оммавий равишда ишлаб чиқариш ҳақида кетмаяпти. Бироқ келгусида бензин билан ишлайдиган анъанавий двигателлар ўрнини водородлилари эгаллаши мумкин.

АНОНС

# С Новым Вас – 11111010100 годом!




**В канун Нового года,** поступил в продажу двенадцатый "декабрьский" номер журнала **InfoCOM.UZ** за прошлый год. В том, что этот журнал пишет об информационных технологиях, читатель убедится, прочитав поздравление на обложке: «С новым, 11111010100 годом!» Да, да именно так в двоичном коде (а все современные компьютеры только его и понимают) и пишется цифра «2004». Ну что ж, слава Богу, что не поздравили нас с наступающим годом «цифровой обезьяны». Однако, помимо новогодней шутки в виде поздравления в двоичном коде, каждый тридцатый читатель получит и новогодний подарок от интернет–провайдера Sarkor-Telecom, а именно - интернет-карту номиналом в 10000 сумов. Даже если вам и не повезет, не отчаивайтесь: новогодний номер **InfoCOM.UZ** содержит около двадцати статей самой различной тематики:

- о компьютерном железе, включая обширный обзор по процессорам Intel и AMD, об итогах тестирования TFT-LCD-мониторов, краткий обзор материнских плат ASUS и SOLTEK, о новых DVD-дисководов LGE и многое другое;
- о программном обеспечении от прикладного ПО для управления интернет-кафе до пакета Java 3D, первом рассказе о великом и многоликом UNIX, а также о различном софте как для души, так и для дела. Вообще новогодний номер журнала **InfoCOM.UZ** получился на редкость «мягким» (в смысле «софтверным») и, вместе с тем, сохранил металлический (в смысле «хардверный») упругий каркас. Вот краткий анонс наиболее ярких статей.

В статье «Пантеон компьютерных богов» приводится аллегорическое сравнение современных компьютерных процессоров, олицетворяющих пантеон богов цифровой эпохи с древнегреческим и древнеримским пантеонами богов, в которых, как известно, каждый бог отвечал за определенное направление. В статье сделан обзор процессоров конкурирующих платформ Intel и AMD, причем основной упор сделан на область применения того или иного процессора. Есть в статье и прогнозы на 2004 год по поводу выхода на рынок новейших микропроцессоров, вплоть до слухов о процессорах Intel Pentium V и даже Intel Pentium VI. Всего же в статье дается краткий обзор более 30 процессоров.

Если вы определились с выбором процессора, то краткий обзор системных плат ASUS и Soltek на базе наиболее популярных чипсетов окончательно поможет вам подобрать достойную «мать» для своего будущего…ПК. Не помешает и статья о наиболее продаваемом в Узбекистане мониторе Samsung SyncMaster 753 DX, а если позволяет семейный бюджет, то и статья о тестировании 19-дюймового TFT-LCD-монитора. Статья же об оптических устройствах записи – дисководах CD-RW и новейших DVD-RW поможет сориентироваться по вопросам записи/перезаписи. Если вы уже практически готовы к окончательной сборке, то статья «Моддинг: новый вид народного творчества» поможет вам так модифицировать свой компьютер, что его не стыдно будет показать даже на выставке современного искусства. Во как! Если окислы компьютерного железа вам начнут разъедать ваши нервы (не говоря уже о семейном бюджете), то среди 96 страниц журнала **InfoCOM.UZ** всегда найдется место и для «софта», дабы «смягчить» новогоднее настроение.

Если вы не устали за весь 2003 год, то в статье «UNIX от юзера и до администратора. Занятие первое – вводное» можно приступить к многотрудному и продолжительному дистанционному обучению основам UNIX-систем. Предвидя скепсис настоящих профессионалов по поводу изучения UNIX «лежа на диване», автор статьи даже выбрал юмористический эпиграф — «Мы - не ламеры. Ламеры - не мы». Впрочем, сама статья весьма далека от легкого жанра.

Для тех, кого интересует возможность создания трехмерных миров, журнал предлагает статью о еще одной «подтехнологии» Java – пакете Java 3D. Если же вас интересуют вопросы повышения IT-грамотности, то можно прочитать статью «Как повысить свою IT-грамотность». В том случае, если вы уже являетесь высокопрофессиональным программистом, но не знаете, где применить свои знания и опыт, предлагаем прочитать статью «Не боги горшки обжигали» о том, как наш соотечественник, создав «Новую универсальную интернет-систему», работает в качестве основного разработчика в масштабном проекте в крупнейшем городе Шотландии Глазго.

Для любителей детективного жанра с информационным уклоном предлагаются статьи: «Обзор мировой законодательной практики по компьютерным преступлениям» и «Шпионские страсти, или Занимательная криптография». Для банкиров предлагается статья «Интернет и банковские услуги», для музыкантов - статьи «Музыкальная шкатулка» и «Итак, Korg Karma», для пожилых (и не только) - «Нано дотянуть до бессмертия» и, наконец, абсолютно для всех - фантастический рассказ «Представитель». Все статьи, публикуемые в журнале **InfoCOM.UZ**, - авторские и написаны специально для вас. С Новым Вас — 11111010100 годом!

SOHA ATAMALARI

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ*

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

~ **занятия регистра** – регистрни банд этиш блоки
~ **подключения запоминающих устройств** – хотира қурилмаларини улаш блоки
~ **приема адресной информации** – адресли ахборотни қабул қилиш блоки
~ **суммирования** – йиғувчи блок
~ **схема** – блоксхема
**блокиратор** — блокиратор, муҳосаралагич
**блокировка** — блокировка, муҳосаралаш
**автоматическая** ~ — автоматик блокировка
**защитная** ~ — ҳимояловчи блокировка
**предохранительная** ~ — сақловчи блокировка
**блокирующее устройство** — муҳосаралаш қурилмаси
**блуждающий** — дайди, адашган
**блуждающие токи** — дайди токлар, адашган токлар
**большая интегральная схема (БИС)** — катта интеграл схема (КИС)
**булева алгебра** — Бул алгебраси
**бумажный конденсатор** — қоғозли конденсатор
**буравчика правило** — парма қоидаси
**буссоль** — буссол (магнит азимути йўналишини ўлчаш асбоби)
**буфер** — буфер, лаппак (масалан, қаттиқ жисмлар тўқнашувидаги зарбларни юмшатувчи мослама)
**буферное запоминающее устройство** — буфер хотира қурилмаси
**быстродействие измерительных приборов** — ўлчов асбобларининг тезкорлиги
**быстрозатухающий** — тез сўнувчи
**быстрота** — зудлик, жадаллик, тезкорлик
~ **затухания излучения** — нурланиш сўнишининг жадаллиги
**быстротечный** — тез оқувчан, тез ўтувчан

**В**

**вакуум** — вакуум, бўшлиқ
**вакуумметр** — вакуумметр (атмосфера босимидан паст бўлган босимни ўлчаш асбоби)
**вакуумирование** — вакуум ҳосил қилиш, бўшлиқ ҳосил қилиш
**варикап** — варикап (ярим ўтказгичли диод)
**вариация показаний** — кўрсатишлар вариацияси, кўрсатишларнинг ўзгариши
**ватт** — ватт (қувват бирлиги)
**ваттварметр** — ваттварметр (реактив қувватни ўлчаш асбоби)
**ваттметр** — ваттметр (қувват ўлчаш асбоби)
**ватт-секунда** — ватт-секунд
**ватт-час** — ватт-соат
**ввод** — кириш, киритиш, ишга тушириш
**вебер** — вебер (магнит оқими бирлиги)
**веберметр** — веберметр
**ведомственная сеть** — идоравий тармоқ
**ведомственная станция** — идоравий станция
**вектометр** — вектометр, вектор ўлчагич
**вектор** — вектор (йўналишга эга бўлган кесма)
**вектор функции** — функция вектори
**векторная диаграмма** — вектор диаграммаси
**векторное поле** — вектор майдони
**векторное произведение** — векторлар кўпайтмаси
**векторное пространство** — векторлар фазоси
**величина** — катталик, миқдор
**величины** — катталиклар, миқдорлар
~ **вычисленные** — ҳисобланган катталиклар
~ **зависимые** — боғлиқ катталиклар
~ **измеренные** — ўлчанган катталиклар
~ **независимые** — боғлиқ бўлмаган (мустақил) катталиклар
~ **необходимые** — зарур катталиклар
**вентильный** — вентилли
~ **электропривод** — вентилли электрюритма
~ **фотоэлемент** — вентилли фотоэлемент
**верность передачи** — узатишнинг ҳақиқийлиги
**вероятная погрешность** — эҳтимолий хатолик
**вероятность** — эҳтимоллик
**вероятность ожидания** — кутиш эҳтимоллиги
**вес результата измерений** — ўлчашлар натижасининг вазни

**(Давоми бор.)**

***Луғат ФТМТМда тайёрланди.**

TEST

# ҚАНЧАЛИК ИЖОБИЙ ТАФАККУРГА ЭГАСИЗ?



**Саволларга "ҳа", "йўқ" ёки "ишончим комил эмас" тарзида жавоб берасиз.**

*1. Ўзингизни ўз ёшингизга қараганда ёшроқ сезасизми?*
*2. Ўзингизга етарли даражада ишонасизми?*
*3. Сизни мажбурий меҳнат толиқтирадими?*
*4. Сизга мумтоз мусиқа ёқадими ва руҳлантирадими?*
*5. Сиз ёлғизланиш фикрига қаршимисиз?*
*6. Сиз қадрсизланишдан холимисиз?*
*7. Сизга баъзан ҳамма нарса мумкиндек кўринадими?*
*8. Сиз кўпгина ҳолларда ўз ташаббусингиз билан куйиб-пишасизми?*
*9. Сизда ноқулай ҳодисаларнинг олдини олиш ҳолати мавжудми?*
*10. Сизда олдинга қўйилган мақсадни эгаллашга етарли интилиш борми?*
*11. Бошқалар сизни ҳаракатчан, куч-қудратга тўла деб ҳисоблайдиларми?*
*12. Сизда аҳён-аҳёнда хафалик ва маъюслик кайфиятлари бўладими?*
*13. Ўз нарсаларингизни тез-тез ўзгартириб туриш сизга хосми?*
*14. Кўп ҳолларда ўзингизни ҳузур-ҳаловатда ҳис қиласизми?*
*15. Сиз тақдирнинг кейинги синовини очиқлик билан кутиб оласизми?*

Ҳар тасдиққа — 2 балл, иккилансангиз — 1 балл ва инкор қилувчи жавобга ҳеч қандай балл берилмайди.

**НАТИЖА:**

**Агар 17 баллдан ортиқ тўпласангиз, у ҳолда сиз етарли даражада ижобий тафаккурга эгасиз. Бу жуда яхши натижадир. Чунки ҳаётта бўлган бундай муносабатлар билан ўз тақдирингизни белгилаб олишингиз мумкин. Бошқа одамларга нисбатан кўпроқ имкониятга эга бўласиз. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бу нарсага фақат машаққатли меҳнат ва одамийлик билан эришилади.**

**Агар сиз 17 баллдан камроқ тўпласангиз, у ҳолда сиз ўз турмуш тарзингиз ва сизни ўраб турган дунёга бўлган муносабатингизни яна бир ўйлаб кўришингизга тўғри келади. Лекин бу ҳар доим омадсизликка, муваффақиятсизликка учрайверасиз дегани эмас. Шунга қарамасдан ўзингиздаги салбий ҳиссиётлар билан курашиш йўлини топишга уриниб кўринг. Агар уддасидан чиқсангиз, ишингиз яхши бўлиб кетади.**


# ЭЪЛОН!

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

**Кафедра мудири:**
Компютер тизимлари ва технологиялари - 1.

**Доцентлар:**
Дастурлаш технологиялари ва алгоритмлаш - 1,
Ўзбек ва рус тиллари - 1,
Олий математика - 1.

**Катта ўқитувчилар:**
Олий математика - 1,
Муҳандислик графикаси - 1,
Электр занжирлари назарияси - 1,
Радиотехника ва радиоалоқа - 1,
Жисмоний тарбия ва спорт - 1,
Физика - 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**
Компютер тизимлари ва технологиялари - 1,
Касбий педагогика - 1.

***Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари қатнашишлари мумкин.***

**Манзил:**
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Тел: 138-64-06.


SPORT, SPORT, SPORT

MINI-FUTBOL

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Ўзбекистон** алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси томонидан ўтказиб келинаётган мини-футбол (футзал) бўйича кўчма кубок мусобақаларининг 2004 йилги баҳсларига "Навоий Телеком" филиали жамоасининг тайёргарлиги қизғин авж олди.

Дастлаб "Навоий Телеком" филиали ва "Навоий почтаси" АЖ жамоалари ўртасида бир неча бор ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. 2003 йил, 20 декабр куни Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани "Дўстлик" ўйингоҳида Қизилтепа телекоммуникациялар боғламаси ва Қизилтепа почта филиали жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича саралаш ўйинлари ўтказилди. Ҳозирда ушбу саралаш ўйинларига Навбаҳор, Зарафшон, Хатирчи, Нурота ва Кармана телекоммуникациялар боғламалари тайёргарликни бошлаб юборишган. Қисқача қилиб айтганда, "Навоий Телеком" филиали жамоаси ўз сафига боғламалардаги энг иқтидорли футболчиларни саралаган ҳолда 2004 йилги Кўчма кубок мусобақаларида зафар қучишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**М.ДОВУЛОВА,**
**"Навоий Телеком" филиали спорт инструктори**

BOKS

## ЙЎЛЛАНМА УЧУН КУРАШ



**Мамлакатимиз** терма жамоаси аъзолари шу йилнинг 11 январида Филиппинда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига жўнаб кетишди. Унда вакилларимиз 11 вазн тоифасида рингга чиқишади. Айнан ушбу баҳсларда чемпионлик билан бир қаторда Афина олимпиадасига йўлланмалар учун ҳам кураш олиб борилади. Жаҳонда кучлилар сафида турувчи мамлакатимиз боксчиларининг яхши натижаларни қайд этишига ҳеч ким шубҳа билдирмаяпти. Қитъа биринчилиги 18 январ куни ниҳоясига етади.

FUTBOL

## РИВАЛДО "КРУЗЕЙРО"ГА ЙЎЛ ОЛДИ



**Машҳур** бразилиялик футбол юлдузи "Милан" клубидан озод этилганидан сўнг, уни бир неча жамоалар ўз сафига чақира бошлашган эди. Ниҳоят, қишки трансфер бозорида бу масалага чек қўйилди. "Спартак" (Россия), "Порту" (Португалия), "Эспаниол" (Испания) ва "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони) жамоалари таклифини рад этган Ривалдо ўз ватанига қайтди. У Бразилия миллий чемпионати грандларидан бири "Крузейро" билан шартнома имзолади.


# ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

**Сиз** хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда ёки кундалик ташвишлар билан юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкингизни жиноий тажовузлардан ким ҳимоя қилади?

Бундай хизматни шаҳримиздаги Марказлаштирилган қўриқлаш пультлари бажаради. Ушбу пультлар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан энг арзон қўриқчидир!

Хонадонингиз ва мулкингиз дахлсизлигини истайсизми?

Унда марҳамат, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлимларига мурожаат қилинг!

**Телефонлар: 133-37-83, 34-01-69, 133-01-44, 112-49-45.**


# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"ЎЗИ-Термиз" филиали ЛАЦ бўлими бошлиғи **Худойберди КЕЛДИЕВ**ни таваллуд топган куни билан чин юракдан табриклаймиз. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва ишларида муваффақиятлар тилаб қолувчи

**ўғиллари Ҳасан, Ҳусан ва келини Нафисахонлар.**

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2001 йили **Маҳбуба Мақсудовна НОСИРХОНОВА** номига берилган 81 р072-сонли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

MASHHURLAR HAYOTI

# АМЕРИКАЛИКЛАР УНИ ҲАМОН СЕВИШАДИ

**_Роналд Рейган бевосита актёр, кейинчалик АҚШ президенти бўлган. Сиёсий доирадан кетганига ўн беш йилча бўлишига қарамасдан аксарият америкаликлар уни ҳали ҳам буюк шахс деб аташади._**

**Рейганлар оиласида** чақалоқ туғилганда Роналднинг отаси шундай деганди: "Ким билади, балки қачонлардир у президент бўлар". Бу сўзлар илоҳийлик касб этди. Ҳаётининг дастлабки йиллари Роналднинг мансабга кўтарилишига ҳеч нарса халақит бермади.

Роналд ёшлигида бейсболчи



бўлишни орзу қиларди. У яшайдиган Тампико шаҳрида унинг қизиқишларини эътиборга олиб бейсбол гуруҳига қабул қилишди. Шу билан бирга ёш Роналд Айова штати радиосида спорт шарҳловчиси бўлиб ишлайди.

Рейган 1937 йилдан Ҳолливудда фаолият юрита бошлади. У 54та филмда рол ижро этган. Уларнинг барчаси Америка прокатларида намойиш этилди, бироқ томошабинларда катта қизиқиш уйғотмади.

40-йиллар бошларида Рейган касаба уюшмаси ҳаракатининг фаоли сифатида Гилдия актёрлари таркибига киритилди. Ўша йиллари АҚШда коммунизмнинг хавфли эканлиги хусусида кўп сўзлашарди. У ҳам бу ҳақда ҳамма жойда ўз норозилигини билдириб келарди. 1947 йилнинг апрел ойида Рейган ФҚБга коммунистик хавф гилдиялик актёрлар ҳаётига кириб бораётганини маълум қилади. Бу эса ўз самарасини кўрсатди. Роналдга ФҚБнинг яширин "Т-10" рақамини беришди. Ўша йили у Гилдиянинг актёрлар бошқаруви президенти этиб сайланди.

Роналднинг биринчи оиласидан омади чопмади. Актриса сифатида эрини муваффақиятсизликда айблаб келган хотини "Жонни Белинда" филмида гунг ва кар қиз роли учун "Оскар" мукофотини олгандан сўнг улар ажрашишди. Бўлажак президент 1949 йилнинг кузида Нэнси Дейвис билан танишади. Голливудда эндигина фаолиятини бошлаётган Нэнси кутилмаганда "коммунистик" руҳга мойиллар рўйхатига тушиб қолганди. Бундан қўрқиб кетган қиз вазиятдан чиқиш учун яқинларидан бирига мурожаат қилади. У эса Гилдиянинг актёрлар президенти билан учраштиришни ваъда беради. Шундай қилиб Роналд ва Нэнси учрашади ва биринчи кўришгандаёқ бир-бирини ёқтириб қолади.

Нэнси актёрлар сулоласидан эди. У бутун ҳаётини эрига бағишлади. Рейган ҳам бунга жавобан қаерга бормасин унга севги мактублари жўнатарди. У бир марта шундай деганди: "Мен дунёдаги уйланган энг бахтли инсонман". Хотини унинг севгилиси, дўсти ҳамда маслаҳатчиси эди. Р.Рейганга Ҳолливудни тарк этиб сиёсат билан шуғулланишни ҳам хотини маслаҳат берганди.

Роналдни "Театр "Женерал электрик" ҳафталик телевизион дастури орқали бутун мамлакатда танишарди. У компаниянинг тарғиботчиси бўлиб, мамлакат бўйлаб юрар ва компания ишчилари ҳаётидан кўрсатувлар тайёрлар эди. Албатта, юқори органларни танқид ҳам қиларди. Унинг бу ҳаракатлари самарасиз кетмади. Телевидениеда чиқишлар қилаётган ширали овозли йигитча барчани қизиқтириб қолди. 1964 йил, 27 октябрда телевизор орқали сиёсий мавзуда чиқиши Рейганнинг сиёсат соҳасидаги биринчи қадами бўлди. Бу президентликка номзоди қўйилган республикачилар партияси раҳбари Голдуотернинг қўллаб сўзлаган



У биргина халқни ўзгартирмоқчи эди, бироқ...

нутқи эди. Бироқ сайловда Голдуотер мағлубиятга учраган бўлса-да, сиёсат бобида янги юлдуз — Роналд Рейган пайдо бўлганини кўрсатди.

Бўлғуси президентнинг номзодини Калифорния штати губернаторлигига қўйиш қийин кечмади. Рейган губернаторликка осонгина ўтиб олди ва иккинчи маротаба ҳам сайланди. У дастлаб барча давлат дастурлари харажатларини ўн фоизга қисқартирди. Жумладан, Беркли университетининг молиявий харажатларини кескин камайтириб, мактабдаги ночор оилаларнинг болаларига нонушталик уюштирди. Бундай иқтисодни тежаш унинг губернаторлик мавқеини оширди.

1968 йили Америкада навбатдаги президентлик сайлови ўтказилди. Ушбу сайловда қатнашиш учун аввало ички республикачилар партиясида ғалаба қозониш керак эди. Унинг рақиби Р.Никсон бўлиб, кураш қизғин давом этди. Никсон дастлаб республикачилар партиясидан номзод, кейин эса АҚШ президенти бўлди. Р.Рейганга яна омад кулиб боқмади. Никсон можаро билан мансабидан кетганидан кейин президентликни Ж.Форд эгаллади. Республикачилар имкониятни қўлдан бой берганларидан сўнг президентлик курсисига демократ Ж.Картер ўтирди. Ниҳоят, 1980 йили етмишга яқинлашиб қолган Рейганга омад кулиб боқди. У президент этиб сайланди.

Нэнси Рейган ҳам эри билан бирга Оқ уйга кўчиб ўтди. У Оқ уй бекаси сифатида президентлик саройидаги барча жиҳозларни — мебеллардан тортиб гулларгача алмаштирди. Шуни ҳам айтиш жоизки, америкаликлар Нэнсини унчалик ёқтиришмасди. Аммо уни Роналд жуда қаттиқ севар эди...

Рейган ўз фаолияти давомида жуда қаттиқ сиёсат олиб борди ва бутун куч-ғайрати билан АҚШни дунёда устунлигини таъкидлаб келди. У собиқ Иттифоқнинг ижтимоий сиёсати билан курашишни бир дақиқа ҳам тўхтатмади ва совуқ урушни тугатган инсон сифатида тарихда ном қолдирди.

1989 йилда президентлик мансабидан кета туриб Р.Рейган шундай деди: "Мен биргина халқни ўзгартирмоқчи эдим, бироқ бутун дунёни ўзгартирдим".

Ҳа, дунёни даҳолар ўзгартиради деб бежиз айтишмайди-да.

Тўқсон ёшдан ошган собиқ президент ҳозир Калифорния штатидаги шахсий уйида ўз рафиқаси билан яшамоқда. Ҳар иккала "ёш ошиқ-маъшуқлар" бир-бирларини ўпишиб қарши олади. Балки бу севги куч-қудратидир. Яна ким билади, дейсиз!

**И.АҲМЕДОВ тайёрлади**

BU — QIZIQ!

## ҚУШЛАР ТЕРЛАЙДИМИ?

● Бир кунда энг кўп ким юришини биласизми? Бу уй бекалари (кунига ўртача 45 км.) экан. Энг сўнгги ўринда эса жарроҳлар (ўртача 10 км.) туришаркан.

● Қушлар ҳеч қачон терламайди.

● Англиядаги ҳинд таомлари ресторанларида кўмир, металлургия ва кемасозлик саноатларида ишловчи оламлардан ҳам кўп ходимлар ишлайди.

● Кунига бир қути сигарета чекадиган одам бир ҳафта давомида ютган никотинини ҳидласа, жойида тил тортмасдан ўлар экан.

BILASIZMI?

## БЎҒИМ ОҒРИҚЛАРИ ДАВОСИ

1. Асалга аралаштирилган седана таъб тортгунча мунтазам еб турилса бўғим оғриқлари бартараф бўлади.

2. Бир челак сувга 100 грамм қуритилган ёнғоқ барги солиниб, ўртача оловда 20 дақиқа қайнатилади ва совий бошлагач оёқ ванна қилинади. Бу бод (ревматизм) асорати бўлган бўғим оғриқларини йўқотади.

3. Уч ош қошиқ турп шарбати, икки ош қошиқ асал, бир ош қошиқ спирт, бир ош қошиқ истеъмол тузи 0,5 стакан қайнатиб совутилган сувга қўшиб аралаштирилади ва бир ош қошиқдан кунига уч маҳал овқатланишдан олдин ичилади. Бу муолажа боддан қолган асоратли бўғим оғриқларига кони фойда.

4. Саримсоқ пиёзнинг пўсти олинмасдан димлаб тайёрлангани (айниқса палов ва қовурма тагига бостириб пиширилгани) 15 кун давомида мунтазам еб турилса, барча хил бўғим оғриқлари йўқолади.

5. Агар бўйин, елка-билак, бел, тизза бўғимларида кучли оғриқ туриб азоб берса, унга дарҳол сиқиб олинган турп сувини тўрт қават докага шимдириб, оғриқ жойга боғлаб қўйилса оғриқлар барҳам топади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг "Радиоалоқа қурилмалари" кафедраси катта ўқитувчиси **Маргарита ВАСИЛЬЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ДАК жамоаси "Жиззах почтаси" акциядорлик жамияти директори Ғофур Қўлдошевга онаси **МУСАН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Тошкент Телеком" филиали жамоаси корхона бош директори Абдурашид Абдумўминовга падари бузруквори **АБДУАҲАД ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Коллектив Центра электромагнитной совместимости Узбекского агентства связи и информатизации сообщает о кончине старейшего сотрудника Службы электромагнитной совместимости Республики Каракалпакстан **НАЖИМОВА Куатбая Нажимовича** и выражает глубокое соболезнование его семье и близким.

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — t.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

**Манзилимиз:** 700000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
**Тел.:** 136-35-29, 138-41-94. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** *orif@infonet.uz.*
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

270-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.